

# Моддиятчилик фалсафаси



15:47 / 29 май 1073

Дин Халверзондан олинган иқтибосга кўра: «Уйғониш даври (милодий 1600-1800 йиллар) илм-фан эришган ютуқлар маърифат даври келганини англатди. Одамлар илм-фанни ҳақиқатнинг пировард мезони даражасига кўтариб олдилар.

Фрэнсис Бэкон (1561-1626), Роберт Бойль (1627-1692) ва Исаак Ньютон (1642-1727) томонидан табиатдаги янги қонунларнинг кашф этилиши оқибатида инсон коинотни механизмга қиёслай бошлади. Бундай таққослаш эса коинотнинг таянчи сифатида Худога бўлган эҳтиёжни бекор қилди.

Томас Гоббс (1588-1679), Дэвид Юм (1711-1776) ва Эммануил Кант (1724-1804) каби файласуфлар насроний дунёқарашларга яна бир кучли зарба бердилар. Гоббс материализм (моддиятчилик) фалсафасига асос солди. Бу фалсафа материяни (яъни моддани) коинотнинг олий субстанцияси (асоси, унсури) деб ҳисобларди. Юм ўзининг «Инсон табиати ҳақидаги рисола»сида Инжилда баён этилган мўъжизаларнинг ҳақиқийлигига эътирозлар билдирди. Кант эса одамларни ўз ақли, онгига таянишга, черков ҳукмининг кишанларидан халос бўлишга чақирди.

Бироқ, Маърифат эришган барча ютуқларга қарамай, XIX асрда ҳали кўпчилик одамлар, шу жумладан олимлар ҳам, ақлли Яратувчи шахсининг борлигига ишонишар эди. Бунинг сабаби – ҳаёт ва борлиқнинг пайдо

бўлиши масаласида креационизмга муқобил бўлган ва атрофимиздаги оламни очиқ-ойдин ва оқилона изоҳлай оладиган ҳеч қандай назария йўқ эди. Бироқ, Чарльз Дарвин назарияси пайдо бўлгач, ҳамма нарса ўзгариб кетди».

Аммо европаликлардан қариб минг йил олдин ҳақиқий илм-фан ривожига эришган, улар бу борада ўрнатилган ва устоз бўлган мусулмонларда ундай бўлмаган эди. Мусулмонларнинг илм-фан борасида эришган ютуқларининг ҳар бири уларни илм-фанга чорлаган ва ўз динларига бўлган иймон-эътиқодларини янада мустаҳкамланишига хизмат қилган эди.

Европаликларни бузулган дин асосидаги черков илм-фандан тўсган ҳамда илмий кашфиёт ва ихтиролари учун уларни тафтиш маҳкамаларига тортган эди. Шунинг учун европаликлар илм-фанни динга – черковга қарши қўйдилар.

***«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди***

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 30 ноябрь 03-07/9089-сонли хулосаси асосида тайёрланди.